

October 19

2022



MINISTRY OF HEALTH OF  
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

# SOCIAL RESPONSIBILITY AND HEALTH

International Conference

Google Scholar indexed

CYBERLENINKA

Google



TASHKENT STATE  
DENTAL INSTITUTE

[www.tsd.uz](http://www.tsd.uz)

TASHKENT MEDICAL  
ACADEMY

[www.tma.uz](http://www.tma.uz)

SAMARKAND STATE  
MEDICAL UNIVERSITY

[www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**СОЦИАЛЬНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ И ЗДОРОВЬЕ**

**Материалы международной научно-практической конференции  
19 октября 2022 года**

**SOCIAL RESPONSIBILITY AND HEALTH**

**Materials of the international scientific and practical conference  
October 19, 2022**

**Ташкент – 2022**



В сборнике представлены тезисы докладов и сообщений участников шестой ежегодной научно-практической конференции в режиме онлайн (Ташкент, 19 октября 2022), проведенной кафедрой социогуманитарных наук с курсом биоэтики Ташкентского государственного стоматологического института, посвященная празднованию Международного дня Биоэтики.

В научных публикациях обсуждаются актуальные проблемы статьи Всеобщей декларации о биоэтике и правах человека – Социальная солидарность и здоровье. Статьи представлены в авторской редакции.

*Сборник посвящается памяти советского и узбекского патологоанатома, действительного члена Академии наук Узбекистана, героя Узбекистана, первого председателя Национального этического комитета, пионера биоэтики в Узбекистане, - Малики Саматовны Абдуллаходжаевой (28 ноября 1932 — 26 июня 2018)*

#### **Редколлегия сборника:**

*Хайдаров Н.К.* – д.м.н., проф. ректор ТГСИ.

*Шомурадов К.Э.* – д.м.н., проректор по науке и инновациям ТГСИ.

*Баймаков С.Р.* – д.м.н., проректор по учебно-воспитательной работе ТГСИ.

*Ярмухамедов Б. Х.* – д.м.н., проректор по международным связям ТГСИ.

*Мухамедова З. М* – д.ф.н., профессор кафедры социогуманитарных наук с курсом биоэтики ТГСИ.

*Сатарова Д.Г.* – к.ф.н., доцент, зав. кафедрой социогуманитарных наук с курсом биоэтики ТГСИ.

*Норкулов С.Д.* - д.ф.н., зав. кафедры Социальных наук ТМА

*Атамуратова Ф.С.* – к.ф.н., доцент кафедры Социальных наук ТМА.



## ШИФОКОР АХЛОҚИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Сухроб Дўстмуродович Норкулов

ф.ф.д., Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси доценти

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола шифокор ахлоқи ҳақида бўлиб, унда қадимдан бизгача етиб келган маълумотларда тиббий ахлоқнинг ривожланиш тарихини кўриш мумкин. Айниқса, «Аюрведа» ва "Хуан ди Нэй-дзине", Гиппократ ва Ибн Синонинг шифокор ахлоқи ҳақидаги қарашлари очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** тиббиёт, ахлоқ, этика, шифокор, бемор, қонун, меъёр, қасамёд.

### ABSTRACT

This article is about medical ethics, in which the history of the development of medical ethics can be seen in the information that has come down to us from ancient times. Especially the views of "Ayurveda" and "Juan di Nei-dzine", Hippocrates and Ibn Sina on medical ethics are revealed.

**Keywords:** medicine, morality, ethics, doctor, patient, law, norm, oath.

Шифокор ўз фаолиятидаги ахлоқий меъёрларга риоя этиш кўрсатмаларининг келиб чиқиши қадимги даврларга бориб тақалади. Тиббий амалиёт, тиббий тавсиялар, жарроҳлик асбоблари ва бошқалар тавсифланган тиббиётга оид илк ёзма манбаларда беморни даволашнинг принциплари, шифокорнинг хулқ-атвор қоидалари, ахлоқий мажбуриятлари белгиланган маълумотларни учратишимиз мумкин.

Бизгача етиб келган Бобил подшоси Хаммурапи (милоддан аввалги XVIII аср) кодексида Бобил шифокорлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Тиббий қонунчиликнинг ушбу қадимий манбасида, масалан, шифокор муваффақиятли жарроҳлик операцияси учун мукофот олиш ҳуқуқига эга эканлиги ва натижаси муваффақиятсиз бўлганда унинг қўлларини кесиб ташлаш кераклиги кўрсатилган [1].

Тиббий ахлоқнинг тарихи уч минг йилдан ортиқроқ тарихга эга. Қадимги Ҳиндистонда милоддан аввалги 2 минг йилликнинг ўрталарида шифокорлар қасамёд қилишган. Бу ҳақидаги маълумотларнинг аксарияти «Аюрведа» ("Ҳаёт китоби") да



тўпланган. Кўп жихатдан, ушбу қасамёдда мавжуд бўлган меъёрлар Европанинг тиббий ахлоқ меъёрлари билан мос бўлиб, қадимги юнонлар уларни Ҳиндистондан олишган бўлишлари ҳам мумкин.

Улардан баъзиларини келтириб ўтамыз: шифокор юксак ахлоқий ва жисмоний фазилатларга эга бўлиши, ўз беморларига нисбатан раҳм-шафқат кўрсатиши, сабр-тоқатли ва хотиржам бўлиши, ҳар доим ўзини назорат этиши ва тута олиши керак: *«Беморнинг олдига бораётганда фикр ва ҳис-туйғуларингизни тинчлантиринг, меҳрибон ва инсоний бўлгин ва меҳнатингдан манфаат қидирма. Инсонийлик динингга айлансин»* (Сушрута) [2]. Ҳиндистонда шифокорларни танлашга қатъий эътибор берилган. Бунда ёш, соғлиқ, хотира ва зарур ахлоқий фазилатлар: камтарлик, тақводорлик, ақл ҳисобга олинган. Шифокор бўлишни истаган киши ҳар бир инсон нафрат, очкўзлик, хийла-найранг ва ҳ.к. эҳтирослардан халос бўлиши керак эди [1]. Европа ахлоқий меъёрларидан фарқли ўлароқ, ҳинд қасамёди шифокорга ўз ҳукмдори душманлари, ёвуз одамлар ва ҳамроҳлари йўқ аёлларни даволашни тақиқлаган.

Тиббиётнинг инсон саломатлигидаги ўрни ҳақидаги гуманистик қарашлар Хитой тиббиёти ёдгорлиги – "Хуан ди Нэй-дзине" ("Табиат ва инсон тўғрисида") китобида акс этган. Ушбу китобда ҳар бир шифокор ўз амалиётида бажариши керак бўлган асосий қоидаларни аниқлашга уринишни кўришимиз мумкин. Улардан бири шифокор доим беморни тикланишига ишонч билан руҳлантириши зарурлиги қайд этилган. Қуйидаги кўрсатма тиббиётдаги профилактика чораларини чуқур англаганлигидан далолат беради: *"Тиббиёт ўлимдан қутқара олмайди, лекин у ўз кўрсатмалари билан умрни узайтириши, давлат ва халқларни мустаҳкамлаши мумкин"* [1]. Бироқ, Гиппократгача бўлган даврдаги инсонпарварлик турли хил ижтимоий гуруҳлардаги беморларга селектив (танлов) муносабат билан чекланганлигини кўришимиз мумкин. Бу даврда шифокорлар мухтожларга, шунингдек, умидсиз касалларга ёрдам беришдан умуман бош тортишган.

Европа тиббиёти учун қадимги юнон шифокори Гиппократнинг (тахминан милоддан аввалги 460 - 370 й.) этикаси, "Гиппократ корпуси" да келтирилган: "Қасамёд", "Қонун", "Шифокор ҳақида", "Яхши хулқ-атвор тўғрисида", "Кўрсатмалар" ва бошқа қарашлари муҳим аҳамиятга эга. Ўзининг "Қасамёд"ида Гиппократ анъанавий тиббий ахлоқнинг асосий тамойилларини белгилаб берди, уларнинг аксарияти бугунги кунда ҳам долзарб ҳисобланади. "Қасамёд" нинг биринчи қисмида, Гиппократ *"шифокорлик санъатини ўрганаётган ўқувчининг*



устозига муносабати ҳурмат ва эҳтиромга асосланган бўлиши керак” [3], деб ёзади.

"Қасамёд" нинг иккинчи қисми шифокорнинг беморга бўлган муносабатига бағишланган. У қуйидаги гоёларга асосланади:

- беморга нисбатан ҳар қандай зарар ва адолатсизликдан сақланиш ("зарар етказма");

- ўлимга сабаб бўлувчи ҳар қандай воситани тақиқлаш (хатто беморнинг ўзи сўраган тақдирда ҳам);

- бола ташлаш (аборт) ни тақиқлаш;

- ҳар қандай ноҳақ ва зарарли нарсалардан, беморлар билан яқин муносабатлардан воз кечиш;

- беморнинг фойдасига гамхўрлик қилиш;

- тиббий сирни ошкор қилмаслик [3].

Гиппократ ўзининг бошқа асарларида таъкидлаганидек, шифокор меҳнатсеварлиги, ўз устида доим ишлаши, жиддийлиги, дўстона муносабати, сезгирлиги, одобли ва озода кўриниши билан ажралиб туриши керак. Гиппократ томонидан асосланган "зарар етказма" деган тамойили бугунги кунда ҳам тиббиёт касбининг асосий тамойили бўлиб қолмоқда.

Инсонпарварлик ва беморнинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш гоёлари "Гиппократ корпуси" нинг кўпгина кўрсатмаларида, хусусан, беморнинг оилавий ҳаётига оид концепцияларда келтирилган. Шифокор ва бемор ўртасидаги яқин муносабатларнинг ахлоқий тақиқланишини алоҳида таъкидлаш лозим. Қасамёда шундай ёзилган: *"Мен ҳар қандай хонадонга фақатгина беморларнинг фойдаси учунгина кирман. бемор хоҳ аёл ёки эркек, хоҳ қул ёки озод киши бўлсин, ундан ҳеч нимани тама қилмайман"* [3].

Гиппократ ахлоқ қоидаларининг энг машхури - бу тиббий сирни ошкор қилишни тақиқлашдир. Ушбу ахлоқий талаб "Қасамёд" да келтирилган: *"Беморни даволар эканман (муолажадан кейин ҳам), унинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни сир санаб, ҳеч қачон ошкор қилмайман"* [3].

Шифокорнинг касбга бўлган муносабати мавзуси "Гиппократ корпуси"да ёзилган бўлиб, тиббиёт касбининг обрўси шифокорнинг билими ва тарбиясига боғлиқ эканлиги айд этилган: *"Шифокорга баҳо берганда оломон унинг хулқ-атвори, табиатига қараб баҳо беради, чунки яхши тасаввур қолдирмайдиган шифокор бошқалар ҳақида гамхўрлик қила олмайди"* [4].

Бундан ташқари, ёш шифокорга ҳам маслаҳат берилади:

*"ўзингизни тоза тутинг, яхши кийимлар кийинг"* [4]. Бундай



кийимлар "қулай ва содда" бўлиши лозим, лекин "мақтаниши учун эмас". Шифокорнинг юзи жаҳлдор бўлмаслиги керак, аммо унинг акси ҳам бўлиши керак эмас: *"Кўп куладиган ва ҳаддан ташқари қувноқ шифокор яхши шифокор ҳисобланмайди"* [4].

Тиббиётнинг асосий вазифаси, унинг таъбирича, *«инсон соғлигини сақлаш, агар касаллик пайдо бўлган бўлса, бу касалликни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш ва уларни йўқотиши орқали соғлиқни тиклашдан иборат»* [5]. Ибн Сино фикрича, тиб илмида назарий билимлар ва амалиёт ўзаро боғлиқ бўлиши, бир-бирига асосланмоғи зарур, акс ҳолда у ривож томайди, ўз мақсадига эриша олмайди.

Тиббиётимизнинг неча минг йиллик тажрибасига кўра ҳамда тиббиёт мактабини яратиб кетган Абу Али ибн Синогача буни тасдиқлаганлар. Ўзаро мулоқотдан сўнг шифокорга – унинг билими, тажрибаси, самимиятига беморда ишонч ҳосил бўлмоғи, инсоний фазилатларига ҳурмат ва муҳаббат уйғонмоғи керак.

Унга "Шифокор мажбур" деган ибора тегишли. Ибн Сино беморга нисбатан алоҳида ёндашишни талаб қилади: *"Шуни билишингиз керакки, ҳар бир инсон ўзига хос бўлган хусусиятга эга. Унга ўхшаши табиатга эга бўлган инсонни учратиш камдан-кам бўлиши мумкин, ҳатто бу имконсиздир"* [5]. Сўз жуда муҳим аҳамиятга эга, у нафақат нутқ маданиятини, балки мулойимлик, беморнинг кайфиятини кўтариш қобилятини, бепарво гап билан жароҳат етказмасликни ҳам англатади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилгандан сўнг, 1996 йил 29 августда "Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун 6 бўлим ва 47 моддадан иборат. Қонуннинг 44-моддаси Ўзбекистон Республикасида шифокор қасамёдига бағишланган. Шифокор дипломини олаётган шахслар қуйидаги мазмунда қасамёд қабул қилади:

«Шифокор деган юксак унвонни олиб, тиббиёт фаолиятига киришар эканман:

- ўзимнинг бор билим ва маҳоратимни беморни даволашга ҳамда инсон соғлигини сақлашга бағишлашга;

- ёши, жинси, ирки, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир беморга куч-гайратим ва вақтимни аямай тиббий ёрдам кўрсатишга;



- беморнинг соглигини шахсий манфаатларимдан юқори қўйишга, камтар ва ҳалол бўлишга, ўз билим ва маҳоратимни доимо ошириб боришга;  
- шифокор сирини сақлашга;  
- кишиларга ҳамиша меҳр-мурувват ва шифо топишларига ишонч ҳадя этишга;  
- Суқрот, Абу Али ибн Сино сингари улуг табибларнинг шонли анъаналарини давом эттиришга тантанали қасамёд қиламан.  
Ушбу қасамёдга умримнинг охиригача содиқ қолишга қасамёд қиламан» [6].

## REFERENCES

1. Энциклопедический словарь// Кодекс Хаммурапи// <https://dic.academic.ru/contents.nsf/es/>
2. Биомедицинская этика / Под ред. В. И. Покровского. - М., 1997.
3. Гиппократ. Клятва // Этика и общая медицина. - СПб.: Азбука, 2001.
4. Античность//Клятва Гиппократа// <https://studfile.net/preview/5772571/page:35>
5. Абу Али ибн Сино//<https://e-tarix.uz/shaxslar/140-ibn-sina.html>
6. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соглигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни 1996 йил 29 август, 265-І-сон.
7. Мухамедова З.М. Биоэтика. Учебник. Т., 2021. – 430 с.
8. Норкулов С.Д., Атамуратова Ф.С. Социокультурный феномен биомедицинской этики/International Conference. Bioethics and Law/Ташкент, 2022. – С.78-81. DOI: 10.24412/2181-1385-2022-78-81.





1. Ж. А. Ризаев, Мухамедова, З. М. (2022). СОЦИАЛЬНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ И ЗДОРОВЬЕ. *TSDI & TMA Conference 2*, 7-11.
2. Гурyleва, М. Э. (2022). ЗНАЧЕНИЕ ПРЕПОДАВАНИЯ БИОЭТИКИ В МЕДИЦИНСКОМ ВУЗЕ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛИЗМА БУДУЩЕГО ВРАЧА И КАЧЕСТВА МЕДИЦИНСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ. *TSDI & TMA Conference 2*, 12-15.
3. . Беляева, Е. В. (2022). МОРАЛЬНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА ЗДОРОВЬЕ ЧЕЛОВЕКА В КОНТЕКСТЕ ПРИНЦИПОВ БИОЭТИКИ. *TSDI & TMA Conference 2*, 16-20
4. Власова, В. Н. (2022). ИЗУЧЕНИЕ ЗДОРОВЬЯ ПОСРЕДСТВОМ СОЦИАЛЬНОГУМАНИТАРНЫХ НАУК. *TSDI & TMA Conference 2*, 21-24
5. Павлова, В. В. (2022). ПРАВА ЧЕЛОВЕКА И ПРАВА ЖИВОТНЫХ В БИОМЕДИЦИНСКОЙ ЭТИКЕ. *TSDI & TMA Conference 2*, 25-29.
6. Фалько, В. И. (2022). ПРОБЛЕМА ОХРАНЫ ДУХОВНОГО ЗДОРОВЬЯ ЧЕЛОВЕКА И ОБЩЕСТВА. *TSDI & TMA Conference 2*, 30-34.
7. Дехтерева, Л. П. (2022). БИОПРАВО, КАК СИНТЕЗ ГУМАНИТАРНЫХ И ЮРИДИЧЕСКИХ ИНСТИТУТОВ. *TSDI & TMA Conference 2*, 35-38.
8. Кудашева, З. Э. (2022). СОЦИАЛЬНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ВРАЧА КАК УСЛОВИЕ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПАЦИЕНТА. *TSDI & TMA Conference 2*, 39-43.
9. Шамансуров, А. А. (2022). СОБЛЮДЕНИЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА НА ЗДОРОВЬЕ ПРИ ИСПОЛНЕНИИ НАКАЗАНИЙ В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ ПЕНИТЕНЦИАРНОЙ СИСТЕМЫ. *TSDI & TMA Conference 2*, 44-47
10. Павлова, Л. А., & Ермолаева, Е. В. (2022). СОЦИОЛОГИЯ В МЕДИЦИНСКОМ ВУЗЕ: ЗАДАЧИ И ОСОБЕННОСТИ. *TSDI & TMA Conference 2*, 48-51.
11. Мухамедов, А. Р. (2022). ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ СИСТЕМЫ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН. *TSDI & TMA Conference 2*, 52-57.
12. Мухамедова, З. М. (2022). НЕЙРОБИОЭТИКА И ИСКУССТВЕННЫЙ ИНТЕЛЛЕКТ. *TSDI & TMA Conference 2*, 58-63.
13. Rizaev J. A., Maxmudova A.N (2022). БИОЭТИКА ZAMONAVIY MADANIYATDA INDIVIDUALLIKNI NIHOYA QILISH SHAKLI SIFATIDA *TSDI & TMA Conference 2*, 64-68.
14. Умирзакова, Н. А. (2022). СТОМАТОЛОГИК ТАЪЛИМДА БИОЭТИКАВИЙ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ ДОЛЗАРБЛИГИ. *TSDI & TMA Conference 2*, 69-72.
15. Норкулов, С. Д. (2022). ШИФОКОР АХЛОҚИДА ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР. *TSDI & TMA Conference 2*, 73-77.
16. Атамуратова, Ф. С., & Отамуродов, С. С. (2022). РАЗВИТИЕ ГЛОБАЛЬНОГО БИОЭТИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ. *TSDI & TMA Conference 2*, 78-82.
17. Сатторова, Д. Ф. (2022). ТИББИЁТДА БИОЭТИКА: МУАММОЛАР, ЗИДДИЯТЛАР ВА МУЛОҲАЗАЛАР. *TSDI & TMA Conference 2*, 83-87.
18. Алимова, С. Г. (2022). ГЛОБАЛЬНАЯ ПРОБЛЕМА СТРАН С НИЗКИМ УРОВНЕМ ДОХОДА. *TSDI & TMA Conference 2*, 88-90.

